
Хирмонингиз донга тўлсин

ТУМАНИМИЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЖОРИЙ ЙИЛДА 7305 ГЕКТАР МАЙДОНДА “АНДИЖОН-4”, “ТЕНА”, ГРАМ” ХАМДА “АСР” НАВЛИ БУҒДОЙ УРУҒИНИ ҚАДАБ, МЕҲР БИЛАН ПАРВАРИШ ҚИЛИШДИ. МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТЛАР ЭВАЗИГА БАРЧА МАЙДОНЛАРДАГИ БУҒДОЙ ПИШИБ ЕТИЛДИ. Туманимизда мавсумни намунали ташкил этиш мақсадида 28 та отряд тузилган. отрядлар ихтиёридаги 28 та комбайнлар ва бошқа техника воситалари кучидан самарали фойдаланилаётгани боис омборлар кун сайин донга тўлмоқда. бу эса туманимизнинг 27257 тонналик ғалла хирмони сарбаланд бўлишидан дарак бермоқда. “Олтиариқ”, “Семруғ-777”, “Қўчқорали саминжон” ҳамда “Бешхирмон офтоби” кластерлари ҳам ўрим-йиғим мавсумини қизғин боришида ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

2021-06-11 15:29:17